

ПУЛ МАССАЛАРИ ВА МОНЕТАР СИЁСАТ

Абдурахимова Хуршида Тахиржановна

bonu.abdurahimova.ru@gmail.com

Тошкент Кимё халқаро университети Наманган филиали талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17842328>

Аннотация. Ушбу мақолада пул-кредит сиёсати яъни монетар сиёсатнинг урни, монетар сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари, пул массаларини тугри бошқариш, иктисодиётдаги инфляция даражаси, валютанинг қадрини сақлаш ҳамда монетар сиёсатнинг иктисодий ўсишга таъсири қуриб чиқилади.

Калит сузлар: монетар сиёсат, пул массалари, очик бозор, мажбурий захира, баюта курси, инфляция, пул-кредит сиёсати, фоиз ставкалари.

ДЕНЕЖНАЯ МАССА И МОНЕТАРНАЯ ПОЛИТИКА

Аннотация. В данной статье рассматриваются роль денежно-кредитной политики, сущность и задачи монетарной политики, правильное управление денежной массой, уровень инфляции в экономике, сохранение стоимости национальной валюты, а также влияние монетарной политики на экономический рост.

Ключевые слова: монетарная политика, денежная масса, открытый рынок, обязательные резервы, валютный курс, инфляция, денежно-кредитная политика, процентные ставки.

MONEY SUPPLY AND MONETARY POLICY

Abstract. This article examines the role of monetary policy, the essence and objectives of monetary regulation, proper management of the money supply, the level of inflation in the economy, maintaining the value of the national currency, as well as the impact of monetary policy on economic growth.

Keywords: monetary policy, money supply, open market, required reserves, exchange rate, inflation, monetary regulation, interest rates.

КИРИШ

Иктисодий барқарорлик ва ўсиш ҳар қандай давлатнинг асосий мақсадидир. Бу барқарорликка эришишда пул-кредит сиёсатининг яъни монетар сиёсатнинг урни бекиёсдир.

Пул массаларини тугри бошқариш иктисодиётдаги инфляция даражасини пасайтириш, миллий валютани қадрини сақлаш ҳамда ишлаб чиқариш суръатларини барқарорлаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Монетар сиёсат-бу марказий банк томонидан иктисодиётдаги пул массаси ва фоиз ставкаларига таъсир этиш орқали макроиктисодий барқарорликка эришишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Ушбу сиёсат орқали давлат иктисодий ўсишини рағбатлантиради ёки ортикча инфляцияни чеклайди.

Монетар сиёсатнинг моҳияти ва вазифалари. Монетар сиёсатнинг асосий вазифаси-иктисодиётдаги пул тақлифи ва талабини мувозанатлаштиришдир. Бу орқали давлат қуйидаги мақсадларга эришади:

1. Инфляция даражасини назорат қилиш
2. Иктисодий ўсишни таъминлаш

3. Ишсизликни камайтириш
4. Валюта курсини баркарор сақлаш
5. Тулов балансини мувозанатлаштириш

Пул массаси деганда иктисодиётда айланиб юрган нақд ва нақдсиз пуллар миқдори тушунилади. Агар пул массаси ортикча қупайса инфляция юзага келади: агар етарли бўлмаса иктисодий фаоллик пасаяди. Шу боис монетар сиёсатда пул массасини аниқ ҳисоблаш ва бошқариш жуда муҳим.

Монетар сиёсатнинг асосий воситалари.

Монетар сиёсатни амалга оширишда марказий банк бир нечта иктисодий инструментлардан фойдаланади.

Улар қуйидагилар:

а) Қайта молиялаштириш ставкаси. Марказий банк тижорат банкларига кредит беришда қуплайдиган фоиз ставкаси. Бу ставка орқали банк тизимидаги кредит фаоллигига таъсир қўйилади. Масалан, ставка оширилса, кредитлар қимматлашади ва пул массаси қисқаради.

б) Очиқ бозор операциялари. Марказий банк давлат қимматли қўғозларни сотиб олиш ёки сотиш орқали иктисодиётдаги ликвидликни тартибга солади. Қўғозларни сотиб олиш пул массасини қупайтириш, сотиш эса қисқартириш воситасидир.

в) Мажбурий захира меъёри. Тижорат банклари марказий банкда сақланиши керак бўлган депозит миқдори. Захира меъёри оширилса-банкларда айланима пул қамаяди, пасайтирилса-кредитлаш фаоллиги ортиб пул массаси қупаяди.

Монетар сиёсат турлари. Монетар сиёсат 2 асосий ёналишда амалга оширилади:

- 1) Эҳтиёт (консерватив) сиёсат (Қатъий сиёсат)

Инфляция юқори бўлганда ёки иктисодий қизиқ кетганда қўлланилади. Бу ҳолатда марказий банк пул таклифини чеклайди, фоиз ставкаларини оширади, кредит бериш талабини қисқартиради.

- 2) Ишончли (экспансион) сиёсат (юмшатовчи сиёсат)

Иктисодий фаоллик суст бўлганда, ишсизлик юқори бўлганда қўлланилади.

Марказий банк пул таклифини оширади, фоиз ставкаларини пасайтиради ва иктисодиётни рағбатлантиради.

Пул массасини бошқаришни механизмлари. Пул массасини бошқаришда асосий эътибор қуйидаги қўрсаткичларга қаратилган бўлади:

- пул агрегатлари
- инфляция даражаси
- ишлаб чиқариш ҳажми ва ялпи ички маҳсулот
- фоиз ставкалари ва валюта курси

Бу қўрсаткичлар орқали марказий банк иктисодий жараёнларни баҳолаб тегишли чора қўради.

Ўзбекистон Республикасида монетар сиёсатнинг амалга оширилиши.

Ўзбекистон Республикасида монетар сиёсатни амалга оширувчи асосий орган- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидир. Унинг асосий мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва инфляцияни мақбул даражада ишлаб туришдан иборат.

Сунгги йилларда Ўзбекистонда инфляцияни пасайтириш, миллий валютани мастахкамлаш ва тулов тизимини модернизация қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Монетар сиёсатда бозор механизмларини жорий этиш, очик бозор операцияларини кенгайтириш ва миллий валюта курсини эркинлаштириш каби чоралар амалга оширилади.

Монетар сиёсат ва инфляция уртасидаги боғлиқлик. Инфляция-бу товарлар ва хизматлар нархларининг узлуксиз ушиб бориш жараёни. Пул массаси ортикча қупайганда инфляция кучаяди. Шунинг учун марказий банк пул таклифини чегаралаш орқали инфляцияни назорат қилади.

Инфляциянинг юқори даражаси аҳоли реал даромадларнинг камайишига ва миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади. Шу боис инфляцияга қарши самарали монетар сиёсат ҳар доим долзарб аҳамият қасб этади.

Монетар сиёсатнинг иқтисодий узишга таъсири.

Монетар сиёсат иқтисодий узишга 2йул билан таъсир қурсатади.

1. Кредит сиёсати орқали инвестиция фаоллигини ошириш.
2. Фоиз ставкалари орқали талаб ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги унинг иқтисодий вазиятга мос равишда қулланишига боғлиқ. Нотугри бошқарув иқтисодиётда стагнацияга ёки инфляциянинг ортишига олиб қелиши мумкин.

ХУЛОСА. Пул массаларини бошқариш мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигининг муҳим бўғинидир. Самарали монетар сиёсат орқали давлат инфляцияни чеклаб иқтисодий узишга туртки бера олади. Ўзбекистонда бу соҳадаги ислохотлар миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш, молия базаларини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Монетар сиёсатдаги асосий вазифа-пул таклифини аниқ миқдорда ушлаб туриш, фоиз ставкаларини оптималлаштириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий ҳисоботлари 2024-2025й
2. "Монетар сиёсат асослари"-Т.Жураев. Тошкент 2023й
3. Mishkin F. S. The Economics of Money Banking and Financial Markets Pearson 2022
4. IMF Annual Report 2024
5. Ўзбекистон Республикаси "Марказий банк тугрисида"ги қонуни 2019й